

8-28-2019

New interpretation of Navoi image

M. Yusupova

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Yusupova, M. (2019) "New interpretation of Navoi image," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 78.

DOI: 41+7.041.53

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss3/78>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 41+7.041.53

НАВОИЙ ОБРАЗИНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ
(Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” роман-дилогияси мисолида)
НОВОЕ ТОЛКОВАНИЕ ОБРАЗА НАВОИ
(На примере романа-дилогии Омона Мухтора "Навои и художник Абульхаир")
NEW INTERPRETATION OF NAVOI IMAGE
(On the example of Omon Mukhtor's "Navoi and Artist Abulkhair" novel)

М.Юсупова

Аннотация

Мақолада Омон Мухторнинг образ яратиш маҳорати, хусусан, Навоий тимсолини янгича услубда талқин этилиши ўрганилади. Навоий тимсолининг рассом ва ёзувчи нуқтаи назаридан кашф этилишидаги ўзига хосликлар тадқиқ этилади.

Аннотация

В статье исследуется мастерство создания образа Омона Мухтора, в частности, новая интерпретация образа Навои. Рассмотрены особенности исследования воплощения образа Навои с точки зрения художника и писателя.

Annotation

The article explores the skill of creating Omon Mukhtar's image, in particular the interpretation of Navoi's image. The peculiarities of the exploration of the Navoi embodiment from the perspective of the artist and writer are examined.

Таянч сўз ва иборалар: Омон Мухтор, роман-дилогия, Навоий образи, бадий талқин масалалари, ижодкор шахс образи, автопортрет, руҳият тасвирлари.

Ключевые слова и выражения: Омон Мухтор, роман-дилогия, образ Навои, проблемы художественной интерпретации, образ творческой личности, автопортрет.

Keywords and expressions: Omon Mukhtar, novel-languageology, Navoi's image, artistic interpretation issues, image of creative person, self-portrait, images of spirit.

“Ижод инсонни ўз мавжудлигини ифода этиш усули... инсоннинг чексиз коинот ичра ўз исмини, ўрнини, кадр-у қимматини англашга интилиши, исёни”дир. Шунингдек, “Ижодкор инсон воқелик олдида ёки воқелик қиёфасида кўлам олдида жуда кичкина, ожиз. Воқеликнинг забардастлиги одамни қисматнинг қули қилиб қўяди, ижод эса ана шу қулликка исёндр” [1,20]. Шу жиҳат билан Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” роман-дилогияси характерлидир. Чунки асарда ижодкорлик бор, Навоийнинг суратини билишга эмас, сийратини англашга бўлган қониқмаслик, исён мавжуд: “У - бир Осмон.

У - бир Уммон.

Қамраш қийин!”

“Ҳали ҳеч ким Бу Осмон қаърига кўтарилмаган!

Ҳали ҳеч ким Бу Уммон тубини кўрмаган!” [2,8].

Навоийни англаш, уни тафаккур оламига сизиб кириш – бу, улкан билим, куч ва изланиш талаб этадиган жараён. Бу жараён бизга Ойбек, Л.Бат, М.Осим ижоди орқали маълумдир. Ёзувчи Омон Мухтор томонидан “Навоий ва рассом Абулхайр”

романининг ёзилиши Навоийни билиш, буюк бу ДАҲО инсонни идрок эта олиш учун янгича йўналиш бўлди. Буни адибнинг ҳикоячи-қаҳрамон рассом Абулхайрнинг: “Навоий тўғрисида юзлаб китоблар ёзилган. Аммо кўнглим тўлмади. Буларнинг аксариди у тирик одамдан кўра кўпроқ девордаги суратга ўхшайди” [2,8] деган сўзларидан ҳам билиш мумкин. Мана шу сўзларнинг ўзиёқ муаллифнинг ғоявий ниятини очиб беришга хизмат қилади. Яъники, Навоийни яқиндан билиш, у яшаётган воқеликдаги “мен”ни англаш муҳимдир. Шу нуқтаи назардан Омон Мухтор бу улуғ йўлдан боришда ўзининг ижодий ниятини янгича баён усули ва тасвир воситалари орқали очиб беришга киришди.

Роман-дилогиянинг таҳлилига киришар эканмиз, биографик метод томондан ёндошиш мақсадга мувофиқдир. Чунки асарда икки шахснинг биографияси, биринчиси Навоий (қаҳрамон, объект), иккинчиси рассом Абулхайр биографияси. Иккиси ҳам санъаткор, бири сўз санъаткори, иккинчиси ранг-тасвир санъаткори. Иккиси ҳам образ яратиш учун ўйлайди, тафаккур қилади, фикр юритади.

“Ишқ аҳли” асарида Навоий ижодини ўрганиб, таҳлил қилиш орқали рассом Абулхайр унинг портретини яратишга, жисмоний қиёфасини ҳам белгилашга уринади. Бунинг пировардида у Навоий шахсига ҳам маънан, ҳам қалбан яқинлашиб боради. Унинг ўй-фикрлари асар давомида янада сайқаллашиб, ўсиб-униб боради. Навоийнинг “мен”и инсонпарварлик билан суғорилганлигини мамлакат подшоси билан бир ўринда таърифлайди: “Хуросон тахтини Икки Киши ёшлиқдан қўлга киритишни орзу қилган ва тахтни эгаллагач Икков бирга салтанатни бошқарган эди:

“Кучи, Жасорати билан –Хусайн!

Ақли, Заковати билан- Алишер! ... Алишер вафот этган куни Хусайннинг ҳам асосан, ХУКМИ тугайди!” [2,26]. Демак, юртни бир қилиб турган Алишер эди, унинг ақл-у заковати эди.

“Омон Мухтор Навоийнинг ижодкор сифатидаги сиймосини, мураккаб руҳий-маънавий оламини ижодий асарлари асосида очиб беришга эътибор қаратади. Яъни унинг ижодий олами, БУЮК ИНСОН сифатидаги фазилатларини ҳайрат ва ҳавас билан кашф этади” [3,49].

Бу асар улуғ мутафаккир Навоийнинг руҳий оламини англаш йўлида ўзига хос бир қадам бўлиб, роман-диалогия фарқли равишда рассом санъаткорнинг ўзгача нигоҳи, ички “мен”идаги ўй-фикрлари, руҳий кечинмалари орқали новаторча ёндашув билан ёзилган.

Ёзувчи қалб ва қиёфа бирлигини таъминлаш йўлидан бориб, ўтган умрини сарҳисоб қиладиган хокисор эътиқод кишиси, ўз мақсадларини аниқ белгилаб олган фидойи инсоннинг шиддатли руҳи, адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашдаги меҳр-шафқатни улуғ даражасига муносиб тарзда тасаввур қилади ҳамда тасвирлай олади.

“Аслида иш ҳали бошлангани йўқ (хаёлим пишсин, деб фақат тун-кун дафтар қоралаяпман)”. Мен ҳамон Навоий ҳаётининг қайси пайтини қандай тасвирлаш бобида қўним топмадим” [2,18], дея чуқур мушоҳадага боради. 60 ёшли хикоячи-қахрамон рассом Абулхайр Навоийнинг болалиқдаги дўсти Хусайн Бойқаро билан муносабатларига холис баҳони Навоийнинг ўз ижод намуналари мисолида ҳам беришга уринади.

Бу уринишлар роман қисмлари аро фикрлар салмоғининг ортиб боришида кўринади. “Шахс-Катта Бўлгани сайин Бир Хил Ҳолатдан КўП ҲОЛАТЛАРга қараб бораверади. Гоҳ ички, гоҳо ички ва ташқи ҳолат қарама-қаршилиги (ЗИДДИЯТ) Инсоннинг Буюклигини белгилайди... Алишернинг “мулойим”лиги (“хафақон”лиги) яширин туғёнлар (бой, рангин Ҳолат) олдида тортилиб турган пардадир. Менга рассомлар ҳали парда орқасига ўтмагандек туюлади” [2,45].

Дарҳақиқат, асарда Навоийнинг ички “мен”ини очиб бериш учун гоҳ болалиқдан, гоҳ кексалиқдан сўзлаётган рассом Абулхайр Алишернинг тўрт ёки беш ёшидаги ҳолати акс этган мисралар келтириш орқали Навоийдек буюк зотнинг маънавий олами жуда мурғаклигиданоқ юксак поғонада бўлганлигини билган хикоячи-қахрамон ўқиб-ўрганиш ҳамиша яхши эканлигини, ёшлиқдаги олинган билимлар кейинги билимларнинг асоси бўлишини теранроқ англайди.

Адиб тарихий сиймо – Навоийни зўрлаб замонавийлаштирмайди, унга йўқ сифатларини ёпиштирмайди. Бир сўз билан айтганда, уни идеаллаштириш фикридан ҳамиша йироқда туради. Чунки, муаллифнинг ўзи қайд этганидек, “турли долғали даврларда бу улуғ зот номи ерга ҳам урилган, кўкка ҳам кўтарилган. Бугун шоир ва мутафаккирни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишимиз, асарларни китоб жавонлари ва токчалардан қалбимиз ҳамда шууримизга кўчириш палласи етди. Унинг ожиз томонлари ҳам биз учун азиз - ҳамдард ва ҳамфикрлигимиз ортади, устун жиҳатлари ҳам қадрли – ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади”.

Бугунги кун ўзбек адабиёти, хусусан, насри инсон маънавияти қирраларини текшириш, руҳиятидаги кўз илғамас сезимларни тадқиқ этиш сари интилаётган экан, шунга ҳамоҳанг тарзда романда ўйчил инсон тафаккури ва ҳиссиёти тўла намоён бўлган. Асар Навоийни тўлароқ англаш, унинг фикр тарзи, ахлоқий қаноати, эътиқод йўсини жиҳатидан ҳис ва идрок этиш имконини беради. Бу роман - диалогия ёзувчининг юқори ва анча мукамаллашган услубий ютуғи бўлибгина қолмай, навоийшунослик, навоийхонлик оламида ўзига хос бадий тажриба, шунингдек, ўзбек адабиёти тараққиётида кўзга ташланадиган

муҳим янгилик ҳамдир. Назаримизда бундай фикр-қарашларнинг барчасида навоиёна донишмандликдан ўзлаштирилган ҳаёт фалсафаси ёрқин намоён бўлади.

Роман-диалогия тўғрисида яна қўплаб фикрлар билдириш мумкин. Аммо буларнинг аниқроғи ва қўламлироғи қуйидагича: “Аввало, бу асар яхлит олганда бадиий-илмий йўналишда яратилган маърифий романдир. Ундан талаба ҳам, адабиёт илми билан шуғулланувчи мутахассис ҳам, оддий китобхон ҳам наф олиши, Навоийни тушуниши, айти чўғда ўша мураккаб тарихий

жараёндаги сиёсий-ижтимоий, маънавий-ахлоқий зиддиятларни чуқур англаб етиши табиийдир” [4].

Хулоса қилиб айтганда, мақолада Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” асари Навоий руҳий олами, инсоний фазилатлари, ижодкор шахс сифатидаги “дахлсиз дунё”си ҳақида янги ва муҳим маълумотлар, бой тасаввурлар берувчи бадиий манбадир. Унинг ижодкор оламини ижодкор нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши позициясидан ўрганилганда, қизиқарли маълумотлар бериши муқаррар.

Адабиётлар:

1. Эшонқулов Н. Мендан “мен”гача. -Т.: “Akademnashr”, 2014.
2. Мухторов О.Навоий ва рассом Абулхайр. –Т.: Шарқ, 2006.
3. Муҳаммаджонова Г.Бадиий асар таҳлили.-Т: Адабиёт учкунлари, 2018
4. Солижонов Й.Навоийни англаш бахти // Бухоро мавжлари. -2011. -№ 3.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев– филология фанлари доктори).